

Пингвинлар қаҳратон совуқда қандай исинадилар?



11:00 / 24.01.2023 2580

Пингвинлар илиқликни ўзаро баҳам кўриш ва уни асраш мақсадида бири-бири билан жипслашиб, жамоа ташкил этишади.

Пингвинлар яшайдиган Антарктидада қишда ҳарорат минус 75 даражадан минус 60 даражагача, ёзда минус 50 даражадан минус 30 даражагача, соҳилбўйида қишда минус 35 даражадан минус 8 даражагача, ёзда 0 даражадан 5 даража илиққача бўлади.

Маълумки, қорли изғирин пайтида ҳаво ҳарорати минус 35 даражага етади. (соҳилбўйидаги ҳарорат назарда тутилмоқда)

Аммо жамоанинг ўртасидаги ҳарорат 37 даража иссиқ бўлади. Бу эса пингвинлар қўллаган услуб нақадар самарали эканини кўрсатади. Баъзан жамоа ўртасидаги ҳарорат 37 даражадан ортиб, ўртароқда турган пингвинлар жуда исиб кетади. Шунинг учун пингвинлар ҳарорат мувозанатини сақлаш ва ортиқча иссиқликдан қутилиш мақсадида бир жойда турмай, ҳаракатланиб, жойларини ўзгартириб турадилар.

Жамоанинг ташқарисида турган пингвинларнинг ҳоли нима кечади?

Буни қарангки, жамоанинг ичидагилар ташқарида турганларни унутмайдилар, ташқарида қолганларни ичкарига олиш ва улар исиниб олишлари ҳамда ичкарида исиб кетганларни ташқарига чиқариш

мақсадида барча пингвинлар аста-секинлик билан мунтазам ҳаракатланиб турадилар. Олимлар уларнинг ҳаракат йўналишини кузатиш учун камераларни ишга солдилар ва пингвинлар мураккаб услубда ҳаракатланишини аниқладилар. Пингвинлар шундай ҳаракатланадики, ҳосил бўлган иссиқликдан жамоанинг барча аъзолари тенг баҳраманд бўлади.

Пингвинларнинг муҳитга мослашишини кўриб турибсиз. Ажойиб-а, тўғрими?

Қани айтингчи, пингвинлар қаҳратон совуқда исиниш илмини, илҳомини ўзи ўйлаб топганми? Шундай жамоа тузиш орқали исиниш мумкинлигини тадқиқот ўтказиб аниқлаганми? Йўқ, албатта! Уларга бу қобилиятни Буюк Мусаввир Зот ато этган.

Бу каби жонзотларга совуқда музлаб қолмаслик ва жонини сақлаш учун ўзига хос услубни, яъни ана шундай жамоа тузиш ва уни қўллаш қобилиятини, техникасини ато этган кўр табиат эмас, балки Аллоҳ таоланинг Ўзи ато этгандир. Роббимиз Ўзининг Каломида шундай марҳамат қилган:

يَسْأَلُ أَيُّكُمْ بَرَّ نَفَلَ آق
يَدَهُ مُتَقَوْلِخْ عَيْشَ لُكَّ يَطْعَأُ الْبَرَّ لَاق

«У (Фиръавн): «Иккингизининг Роббингиз ким, эй Мусо?» – деди. У:

«Роббимиз ҳар нарсага ўз яратилишини берган ҳамда уни ҳидоятга солган Зотдир», – деди» (Тоҳа сураси, 49-50-оятлар).

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг яратганлари борасида тафаккур қилиб, иймонимиз нури зиёдалашиб боришини насиб этсин.

Нозимжон Ҳошимжон